

Тошкент ш.

2022 йил «12» январ

«ALSKOM» Суғурта Компанияси Акциядорлик жамияти матн давомида «Суғурталовчи» деб аталади, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2015 йил 30 декабрдаги СФ № 00211 сонли лицензияси асосида фаолият юритувчи, Тошкент шаҳар филиали номидан ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи Директор Ш.Т. Иминов, ва «A.NAVOIY NOMIDAGI O'ZBEK MILLIY KUTUBXONASI» номидан (матн давомида «Суғурта қилдирувчи» деб аталади) Директор Усмонбой И. Холмуродов асосида фаолият кўрсатувчи, иккинчи томон бўлиб (матн давомида «Томонлар» деб аталади), ушбу Шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли Қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига (матн давомида «Мажбурий суғурта қоидалари» деб аталади) мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (матн давомида «Мажбурий суғурта» деб аталади) объектидир.

1.3. Томонлар, мазкур Шартномада келишилмаган барча саволлар бўйича Мажбурий суғурта қоидаларига амал қилади.

2. СУГУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун Суғурта қилдирувчининг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши бўлиб, бу Суғурталовчининг суғурта товонини суғурта пули доирасида тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаради.

3. СУГУРТА ҲОДИСАСИДАН МУСТАСНО

3.1. Қуйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказиш;
- маънавий етказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш бўйича мажбуриятнинг юзага келиши;
- транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув ҳайдовчи давомида фойдаланишда зарар етказилганлиги;
- атроф муҳитнинг ифлосланиши;
- ташилаётган юк таъсирида зарар етказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши керак бўлса;
- ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;
- ходимга зарар етказилганлиги туфайли келиб чиққан зарарнинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш бўйича мажбурият;
- ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган асбоб-ускуналарга зарар етказилганлиги;
- юкни ортиш ёки туширишда, шунигдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган қорхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланганида зарар етказилганлиги;
- нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва металлдан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қоғозлар, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;
- жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар

3.2. Мазкур Шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

4. СУГУРТА ПУЛИ, СУГУРТА МУКОФОТИ

4.1. Мажбурий суғурта бўйича суғурта пули суғурта полиси бўйича ҳар бир транспорт воситаси учун 40 000 000 (қирқ миллион) сўм миқдорда белгиланади, жумладан:

- а) жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда – суғурта пулининг 35 фоизига;
- б) жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда – суғурта пулининг 65 фоизига.

4.2. Транспорт воситаларининг сони 1 (бир) донга ушбу Шартноманинг 1-иловасига мувофиқ.

4.3. Ушбу Шартнома бўйича умумий суғурта суммаси 40 000 000 (қирқ миллион) сўмни ташкил қилади.

4.4. Ҳар бир транспорт воситаси бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш Мажбурий суғурта қоидаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4.5. Ушбу Шартнома бўйича умумий суғурта мукофоти 168 000 (бир юз олтинчи саккиз минг) сўмни ташкил қилади.

4.6. Суғурта мукофоти нақдсиз ҳисоб-китоб йўли асосида бир йўла тўланади. Мазкур Шартнома бўйича Суғурталовчининг жавобгарлиги пул маблағлари Суғурталовчининг (унинг вакили) банк ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошланади.

4.7. Агар мажбурий суғурта полиси амалда бўлган даврда Суғурталовчи суғурта товони тўласа, у ҳолда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчидан суғурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафта муддатда тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта полиси амал қилишнинг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофотини тўлайди. Тўланадиган қўшимча суғурта мукофоти ҳисоб-китоби Мажбурий суғурта қоидаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

5. СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИНИШИ

5.1. Ушбу Шартнома суғурта полисида кўрсатилган муддат давомида тузилади ва имзоланган вақтдан бошлаб амал қилади.

5.2. Ҳар бир автотранспортлар бўйича мажбурий суғурта шартномаси суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига суғурта полисини ва махсус давлат белгисини тақдим этиш йўли билан бир йил муддатга тузилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Суғурта қилдирувчининг мажбурияти:

6.1.1. ИТХ содир бўлганда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг етиб келишини кутиши ва жабрланувчига (унинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) суғурта полисининг нусхасини топширишини ўз вакилларига (ҳайдовчиларига) билдириш.

6.1.2. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда:

- дарҳол, йўл-транспорт ҳодисасидан кейин 72 соатдан кечиктирмай, содир бўлган ҳодиса ҳақида Мажбурий суғурта қоидаларининг 6-иловасига мувофиқ ёзма шаклда, суғурта полисининг нусхасини илова қилган ҳолда Суғурталовчига (унинг филиалига) билдириши керак;
- зарарнинг олдини олиш ва (ёки) камайтириш юзасидан мумкин бўлган барча чораларни кўриши керак.

6.2. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуққа эга:

6.2.1. Суғурта қилдирувчи жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини Суғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, Суғурта қилдирувчи етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибда ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин Суғурталовчидан тўланган суғурта тўловини олиш.

6.3. Суғурталовчининг мажбурияти:

6.3.1. Мазкур Шартномада назарда тутилган ҳолларда, Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида Жабрланувчига (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисига) ёки Суғурта қилдирувчига (агар суғурта тўловини ўз

хисобидан амалга оширган бўлса) тўлаши лозим.

6.3.2. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси йўқотиб қўйилган тақдирда Суғурта қилдирувчига унинг дубликатларини тақдим этиш. Дубликатлар Суғурта қилдирувчи мурожаат қилган ва у дубликатларни тайёрлаш бўйича харажатларни (тўланган суғурта мукофотининг 10 фоизидан ошмаган миқдорда) тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

6.4. Суғурталовчи куйидаги ҳуқуқга эга:

6.4.1. Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишга (баҳолашга) қадар ушбу модда талабларига мувофиқ амалга оширилган шу мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг қолдиқларини утилизация қилиш суғурта ҳодисасининг мавжудлигини ва мазкур Шартнома бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, Суғурталовчи жабранувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта тўловини ёки унинг бир қисмини тўлашни рад этиш.

6.4.2. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори Суғурта қилдирувчига у суғурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак.

7. СУГУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1. Суғурта товони етказилган зарар миқдорда, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда Суғурталовчи томонидан бевосита жабранувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади

7.2. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товони тўловлари бир нечта жабранувчига (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг Суғурталовчига билдирилган талаблари суммаси суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлса, суғурта товони ҳар бир жабранувчининг барча жабранувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тўланади

7.3. Агар Суғурта қилдирувчи жабранувчига етказилган зарарнинг ўрнини Суғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз хисобидан қопласа, Суғурта қилдирувчи етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибда ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлайди.

Бундай ҳолда Суғурта қилдирувчи куйидаги ҳужжатларни (асл нусхаларини ёки нусхаларини) тақдим этиши лозим:

- жабранувчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги аризаси;
- суғурта полиси;
- зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаларидан олинган маълумотнома ёхуд ҳаётга ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);
- мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтарида кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);
- жабранувчининг шахсини ёки унинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабранувчиларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига тўланиши лозим бўлса);

7.4. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.

8. РЕГРЕСС ТАЛАБИНИ ҚЎЙИШ ҲУҚУҚИ

8.1. Суғурталовчи зарар етказган шахсга ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдорда куйидаги ҳолларда регресс тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- а) мазкур шахснинг қасди оқибатида жабранувчининг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;
 - б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилганда етказилган бўлса;
 - в) мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;
 - г) мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;
 - д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида Мажбурий суғурта полисига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан факат Мажбурий суғурта полисида кўрсатилган ҳайдовчилар фойдаланиши шarti билан Мажбурий суғурта полиси тузилганда);
 - е) суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан Мажбурий суғурта полисида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан Мажбурий суғурта полисида назарда тутилган даврда фойдаланиш шarti билан Мажбурий суғурта полиси тузилганда).
- 8.2. Бунда Суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

9. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Томонлар мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариши бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига асосан жавобгардирлар.

9.2. Ушбу Шартномада келиб чиқадиган низоли масалалар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда эса низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилиги асосида ҳал этилади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

СУГУРТАЛОВЧИ НОМИДАН

«ALSKOM» СК АЖ Тошкент шаҳар филиали
Ўзбекистон Республикаси, 100000,
Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 7 уй
тел.: +71 237 02 94, факс: +71 233 08 91
х/с № 20208000200155291146
АТ «Алоқабанк»
МФО 00401, СТИР 201941144, ИФУТ 65120.



СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ

“A.NAVOIY NOMIDAGI O‘ZBEK MILLIY
KUTUBXONASI”

ИИ/Р 4001 1086 0262 6670 8210 1134 001

ИНН 201122450

МВ Файзоллик Асият Боқаршова

х/р 2340 8000 3001 0000 1010

ИНН 201122 919, МФО 00014

Маржаулло Тошкент ш. бол. Боқаршова



Сорсет: Юнус -

2022 йил 12 январда тузилган № SH 1/4-1/008 сонли-
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш суғурта шартномасига 1-Илова

Транспорт воситалари рўйхати

№	Транспорт воситаси маркази	Давлат рақами	Хисобланган суғурта мукофоти (сўм)
1.	COBALT	01/470ZCA	168 000,00
	Жами:	1	168 000,00

Суғурталовчи номидан:



Иминов Ш.Т.

Суғурта қилдирувчи номидан:



М. Раҳмонова



Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида

ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами № 109 № 3423

2014 й. 10 ИЮЛЬ

Мазкур гувоҳнома “ALSKOM” Sug’urta kompaniyasi

Aksiyadorlik jamiyati, kiska nomi esa “ALSKOM” SK AJ

бўлган юридик

(давлат тилидаги тўлиқ номи)

шахсга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилди.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	ТХШ 1150
Мулкчилик шакли:	МШ 144
Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига почта манзили:	МХОБТ 1726266
Юридик шахс коди:	КТУТ 16366022
Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига асосий фаолият тури коди:	ХХТУТ 96220
Солиқ тўловчининг идентификация рақами:	СТИР 201941144

Қўшимча Маълумотлар Компания аввал Адлия вазирлиги томонидан 21.11.2002 йилда 109-сон
реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.



Ваколатли орган раҳбари

Иўлдошев Нигматилла Тўлкинович

(Signature)
ИМЗО



МИНИСТЕРСТВО ФИНАНСОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЛИЦЕНЗИЯ

на осуществление страховой деятельности
страховщиков и страховых брокеров

Серия СФ

№ 00211

В соответствии с приказом Министерства финансов Республики Узбекистан от
22 ноября 2007 г. № 15-сф, 09 января 2012 г. №2-сф

" 28 " октября 20 15 г. №20-Снастоящей лицензией

Акционерному обществу страховой компании «ALSKOM»

(полное наименование владельца лицензии)

разрешается осуществление страховой деятельности в отрасли общего
(разрешенный вид деятельности)
страхования в обязательной и добровольной формах по следующим классам:

Класс 1 – Страхование от несчастных случаев;

Класс 2 – Страхование на случай болезни;

Класс 3 – Страхование наземных транспортных средств;

Класс 5 – Авиационное страхование;

Класс 7 – Страхование имущества, находящегося в пути;

Класс 8 – Страхование имущества от огня и стихийных бедствий;

Класс 9 – Страхование имущества от ущерба;

Класс 10 – Страхование автогражданской ответственности;

Класс 11 – Страхование ответственности в рамках авиационного страхования;

Класс 12 – Страхование ответственности в рамках морского страхования;

Класс 13 – Страхование общей гражданской ответственности;

Класс 14 – Страхование кредитов;

Класс 16 – Страхование от прочих финансовых рисков.

Местонахождение владельца лицензии (почтовый адрес): Республика Узбекистан,
100202, город Ташкент, Юнусабадский район, улица Амира Темура, дом 109

Идентификационный номер налогоплательщика владельца лицензии: 201941144

Дата выдачи лицензии: " 30 " декабря 20 15 г.

Порядковый номер по реестру: 205

Уполномоченное лицо: Юсупов Б.М.

(Ф.И.О.)

(подпись)

№ 00211